

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 27 ” июнь № ПҚ-3813 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини
ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатда анъанавий ва академик мусиқа ҳамда рақс санъатини ривожлантириш, ижрочиларнинг касб маҳоратини ошириш ва иқтидорли ёшларни аниқлаш учун шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратилган, мусиқа ижрочилари ва рақс жамоалари ижодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мусиқа ва рақс санъатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг вазифаларини комплекс ҳал этиш ушбу соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шунингдек, бадий жамоалар ва оркестрларнинг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, санъатни оммалаштиришнинг лозим даражадаги тизимини яратиш масалаларини ҳал этиш эҳтиёжи мавжуд.

Халқимизнинг маънавий савиясини ошириш, ўсиб келаётган авлодни мусиқа-эстетик жиҳатдан тарбиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда миллий, мумтоз ва замонавий санъатни тарғиб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон миллий симфоник, камерли ва халқ чолғу асбоблари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамда “Туркистон” санъат саройи негизида давлат муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон давлат филармониясини (кейинги ўринларда Давлат филармонияси деб юритилади);

академик ва халқ бадий жамоалари дирекциялари, бирлашмалари негизида Давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳамда вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларини ташkil этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат филармонияси Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон миллий симфоник, камерли ва халқ чолғу асбоблари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамда “Туркистон” санъат саройининг барча ҳуқуқ, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳамда вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари тегишли академик ва халқ бадий жамоалари дирекциялари, бирлашмаларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Куйидагилар Давлат филармониясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий, мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатини илғор ютуқлар асосида ривожлантириш;

аҳолининг мусиқа ва рақс санъатига бўлган маънавий эҳтиёжини лекторий, концерт ишлари ҳамда мусиқий-маърифий ишлар орқали шакллантириш ва қондириш;

мусиқа ва рақс санъати соҳасидаги ижодкорларнинг самарали иш юритиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мусиқа ва рақс санъатидаги ютуқларни Ўзбекистонда ва хорижда тарғиб қилиш;

Давлат филармонияси репертуарини миллий ва хорижий мумтознинг энг сара намуналари билан тўлдириш;

мусиқий-маърифий ишлар орқали баркамол шахсни шакллантириш, аҳолини эстетик ва ахлоқий тарбиялаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

барча турдаги ва жанрдаги мусиқа ҳамда рақс санъатини фаол тарғиб қилиш, уларни радио ва телевидение, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан Интернет тармоғида оммалаштириш;

аҳолини маданий ҳаётга жалб этиш мақсадида уларнинг барча қатламлари учун концерт тадбирларига бориш имкониятларини таъминлаш;

мусиқа ва рақс жамоалари ҳамда ижрочиларининг бадий даражаси ва касб маҳоратини такомиллаштириш.

4. Куйидагилар:

Ўзбекистон давлат филармониясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг тузилмаси ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси вилоятлар бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон давлат филармониясига оператив бошқариш учун бериладиган бино ва иншоотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарур ҳолларда, Давлат филармониясининг тузилмасига, шунингдек, Давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси ва вилоятлар бўлинмаларининг тегишинча тузилмаси ҳамда намунавий тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Ўзбекистон давлат филармониясининг, жумладан, моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутган ҳолда, унинг фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

6. Куйидагилар Давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
концерт-томоша фаолиятидан тушумлар;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтлари ҳамда донор ташкилотлар грантлари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари Давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш, жумладан, моддий-техника таъминот учун уларнинг ўз даромадлари билан қопланмаган харажатларини қоплаш мақсадида ажратилади.

7. Давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари артистлари ҳамда бадий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–1280-сон Фармонининг амал қилиши, артистлар ҳамда бадий ходимларнинг аввалги иш жойларида узоқ муддат хизмат қилгани сақлаб қолинган ҳолда, татбиқ этилсин.

8. Белгилансинки, Давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, концерт-томоша фаолиятини тегишли лицензияни олмасдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида концерт-томоша тадбирларини бир марталик рухсатнома олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат филармониясига самарали концерт-томоша тадбирлари ўтказилишини таъминлаш учун иккита енгил автомобиль, иккита катта сифимдаги автобус ва битта юк автомобили харид қилиш учун маблағлар ажратсин.

10. Давлат филармонияси Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй манзилида жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2778-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

бир ой муддатда Давлат филармонияси уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат филармонияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари намунавий штатларини тасдиқласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” июндаги ПҚ-3813-сон қарорига
1-илова


Ўзбекистон давлат филармониясининг ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ. Бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони – 35 бирлик.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” июндаги ПҚ-3813-сон қарорига
2-илова


Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинимасининг ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ. Бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони – 16 бирлик.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида
белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” июндаги ПҚ-3813-сон қарорига
2а-илова

Ўзбекистон давлат филармонияси вилоятлар бўлинмаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Изох. Бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони – 9 бирлик.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида
белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” июндаги ПҚ-~~381~~ 3-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон давлат филармониясига оператив
бошқариш учун бериладиган бино ва иншоотлар
РЎЙХАТИ**


1. Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган биноси.
2. Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 119-уй, “Б” корпус манзилида жойлашган биноси.
3. Ўзбекистон миллий симфоник, камерли ва халқ чолғу асбоблари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган биноси (“Муסיқа саройи”).
4. Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган “Туркистон” санъат саройи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” июндаги ПҚ–3813-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги
“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил
этиш тўғрисида”ги ПҚ–2778-сон қарорига киритилаётган
ЎЗГАРТИШЛАР**


1. 1-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА
Министерства культуры Республики Узбекистан**



2. 2-иловининг рус тилидаги матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“СТРУКТУРА центрального аппарата Министерства культуры Республики Узбекистан



Общая предельная численность управленческого персонала: 49 ед.”.